O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 1 8 1 2 0 0

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 8 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 87 (7282)

Da'vat

Эркинлик фақат қонун измида бўлишликдир.

Вильгельм ВОЛЬФ

Ibrat

Китоб туманидаги Каромат Рустамова номли ширкат хўжалиги (раҳбари А.Ваҳобов) томонидан ҳудуддаги мактабларда аъло баҳоларга ўқиётган ўқувчиларга ва турли олий-гоҳларда таҳсил олаётган шу ерлик аълочи талабаларга Каромат Рустамова номидаги стипендия бериб борилмоқда.

JUMLADA JAHON

• Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов пойтахтимиздаги яна бир йирик иншоот — Гавҳар ва ал-Хоразмий кўчаларини ўзаро боғловчи кўприкнинг очилиш маросимида иштирок этиб, йўлнинг обод бўлиши унинг атрофи ҳам ободонлашувига таъсир кўрсатади, дея эзгу иш ҳамиша ўз ортидан эзгуликни етаклаб келишига урғу берди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Чирчиқ "Электрокимёсаноат" ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига ушбу корхонанинг олтмиш йиллик тўйи муносабати билан ўз самимий тилаклари битилган табригини йўллади.

• Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Олий Мажлис Кенгашининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган дастурий чора-тадбирларнинг бажарилиши муҳокама этилди.

• Россия ва МДҲ мамлакатларининг айримларида (Туркманистон, Украина, Қозоғистон, Молдова) қашшоқлик даражаси сезиларли даражада ортганлиги Лондондаги ҳукуматга қарашли бўлмаган Европа болалар жамғармаси экспертларини халқаро молиявий ташкилотлар ва Ғарбнинг ривожланган мамлакатлари бу демографик инқироз хавфини бартараф қилиш учун минтақага берилажак ёрдамга ёндашувни сифат жиҳатидан ўзгартириши зарур, деган хулосага келишига асос бўлди.

БАЛЛИ, ҲОМИЙЛАР!

Himmat

Фарғона вилоятида Халқ таълими кунини ўтказиш одат тусига айланиб қолган. Бундан кўзланган мақсад туман ва шаҳар халқ таълими тизимларида тўпланиб қолган муаммоларни таҳлил этиш ва уларнинг ечимини топиш кабилардан иборат. Ўтиб бораётган ўқув йилидаги биринчи Халқ таълими куни Қувасой шаҳрида ташкил этилди. Дастлаб, қоидага мувофиқ вилоят халқ таълими бошқармаси ва Фарғона давлат университети мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ шаҳар таълим-тарбия муассасаларидаги умумий аҳволни атрофлича ўрганиб чиқди. Ютуқлар билан бир қаторда айрим камчиликлар, муаммолар ҳам борлиги аниқланди.

Жойларда Халқ таълими кунини ташкил этишдан кўзланган мақсадлардан яна бири, ва энг асосийси, жамоатчилик эътиборни мактабларга буриш, таълим тизимига ҳомийликни кучайтиришдан иборат.

Қувасойда, жумладан, таълим тизимида ҳам тадбиркорлик, қўшимча маблағ ишлаб топиш яхши йўлга қўйилган. Биргина халқ таълими бўлими ажратилган майдонлардан ҳар йили мўл ҳосил олади. Боғдорчилик ҳам яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, ёрдамчи хўжаликда кўплаб ғоз, ўрдак, товуқ, балиқ, қорамол боқилади. Жами даромад каттагина миқдорни ташкил этади. Халқ таълими бўлими аллақачон миллионерлик даражасига кўтарилган. Шунинг учун шаҳарда пулга тақаладиган муаммо йўқ. Аммо шаҳардаги бой оталиқ ташкилотлари керакли тошнинг оғирлиги йўқ, қабилида таълим тизимидан маблағни сира аяшмаяпти. Мисол учун, тадбир ўтказиладиган куни "Қувасой чинни" ҳиссадорлик жамияти, ғишт ишлаб чиқариш корхонаси, "Қувасойцемент" корхонаси, хусусий тадбиркор К.Қорабоевларнинг ҳар бири ярим миллиондан (500000 сўм), "Кварц" ишлаб чиқариш корхонаси эса бир миллион сўмни халқ таълими бўлимининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришга қарор қилдилар. "Қувасой" ширкат хўжалиги эса 10 тонна картошка ҳадя этадиган бўлди. Жами 4,5 миллион сўм ва кўп тонналик сабзавот маҳсулотлари фойдали мақсадларга сарфланади. Бундай беғараз туҳфаю иньомлар шаҳарда ёш авлоднинг таълим-тарбиясига айрича эътибор билан қаралаётганини англатади. Тизим ходимлари эса шунга яраша таълим-тарбия соҳасида ибратли натижаларга эришишлари лозим.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз



ГАЛАОСИЁ КЎРКИ

Milliy dastur — amalda

Бухоро тумани маркази Галаосиё шаҳрида 450 ўринли қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи бу йил илк фаолиятини бошлади.

Том маънодаги билим ва ҳунар қасрида ўқувчилар учун барча шароит муҳайё этилган: компьютер, лингафон хоналари, лаборатория, спорт зали ҳавас уйғотади. 200 ўринли ошхона, 100 ўринли ётоқхона шинамлиги билан ажралиб туради.

— Бу йил 75 нафар ўғил-қизни ўқишга қабул қилдик, — дейди коллеж директори, техника фанлари номзоди, доцент Орзикул Кенжаев. — Улар сони келгусида 450 нафарга етади. Биз тўрт йўналиш — чорвачилик, фермер хўжалигини ташкил этиш ва иш юритиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, ветеринария, боғ ва боғдорчилик бўйича мутахассислар тайёрлаймиз.

Яна шуниси эътиборга лойиқки, ҳар бир битирувчи турдош касбларни ҳам эгаллайди. Масалан, чорвачилик, фермер хўжалигини ташкил этиш ва иш юритиш йўналишида ўқийдиганлар олтита ихтисос эгаси бўлишади. Бу уларнинг келгусида иш билан таъминланиш кафолатларини кенгайтиради.

Коллеж биноси салкам 5 гектар майдонни эгаллайди. Кузги йиғим-терим мавсуми ниҳоясига етгач, билим маскани ихтиёрига ишлаб чиқариш майдони сифатида 20 гектар ер ҳам берилиши кўзда тутилган. Бу озмунча майдон эмас. Лекин туман қишлоқ хўжалиги бундан ютқазмайди. Коллеж яқин йилларда унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган мутахассислар тайёрлаб беради.

Ж.ИСМОИЛОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: коллеж биноси.

Сизнинг нашрингиз, ҳаммаслагингиз —

Ma'rifat

газетасига

2001 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Нашр индекси:

Якка обуначилар учун — 149 Ташкилотлар учун — 150

ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАШ МУМКИН?

Luqma

Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонаси республикамиздаги энг катта кутубхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда энг қадимги китоблардан тортиб, ҳозирги кунда чоп этилган охирги китобларнинг ҳар қандай турини топиб фойдаланиш мумкин. Кутубхонадаги шарт-шароитлар ва кўрсатилаётган хизматлардан дилингиз яйрайди. Қироатхоналари яхши жиҳозланган. Хуллас, кутубхонага ташриф буюрган китобхон у ердаги барча хизматдан миннатдор бўлиб қайтади.

Лекин, афсуски... Кутубхонага кириш эшиги устида мустақил Ўзбекистон Республикасининг герби эмас, ҳали-ҳануз "ЎзССРнинг герби" қаққайиб турибди. Балки бу гербнинг ўрнига мустақил Ватанимизнинг гербини қўйиш учун кимдир кимдандир кўрсатма кутаётгандир?

Шерзод АҲМАТОВ,
мухбиримиз

"Маърифат" газетасининг 8 апрель 2000 йилдаги сонида "Иқтисодий билим асослари" фанини олиб борувчи янги дастур асосида иш бошлаган муаллимларимизга "Банк" мавзусида бир соатлик дарс матни эълон қилинган эди. Мазкур дарс иқтисодиёт услуби бўйича янгилик бўлгани учун газетхонларда катта қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан таҳририят яна бир муҳим мавзу — "Оила иқтисоди" мавзуси юзасидан муаллиф Бахтиёр Каримовнинг бир соатлик дарс ишланмасини эълон қилмоқда. Оила, унинг муаммолари, унинг иқболи ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз, шахсан Президентимизнинг диққат марказларида турганлиги учун мазкур мавзуни мактаб ўқув дастурларида ниҳоятда долзарб, деб ўйлаймиз. Зеро, тадбиркорлик "вируслари" болаларимизга мактабданоқ "юқиши" керак. Болаларни имкони борича эркин фикрлашга, баҳсга чорлаш мақсадида машғулот сўнгида намунавий саволлар ва кичик жадвал ҳам келтирилган.

ДАРОМАДГА ҚАРАБ БУРОМАД

"Иқтисодий билим асослари" фани дарсларида "Оила иқтисоди" мавзуси хусусида

Bir soatlik dars

ЎҚИТУВЧИ УЧУН УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим шартларидан бири мулк ва мулкка даҳлдорлик муаммосини ижобий ҳал қилишдир. Маълумки, иқтисодда уй хўжалиги деган тушунча бор, лекин буни рўзғордаги хўжалик ишлари деб тушуниш нотўғри. Оила иқтисодиётнинг фаол субъекти, яъни иштирокчиси бўлиб, у иқтисодий оборотда қатнашади. Оиланинг иқтисодий фаолияти унинг бюджетида мужассамлашади. Оила бюджети оила даромадлари ва харажатлари ўртасидаги миқдорий муносабатдир. Бюджет оила қанча даромад топиб, қанча харажат қилганини, аниқроғи, оиланинг кирим-чиқими, яъни молиявий аҳволини билдиради. Профессор А.Ўлмасовнинг таърифича, "Оила даромади бу муайян даврда (йил, ой) оилага келган барча моддий ва пул тушумлари бўлиб, бу жамиятда ҳосил бўлган даромадларнинг қанчаси оилага тегишини билдиради (А.Ўлмасов "Оила иқтисоди". Т., "Меҳнат", 1998. 22-бет). Ҳар бир оила, у хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик бўлсин, иқтисод билан чамбарчас боғланган. Айни пайтда ҳар бир оила ўз иқтисодини юритиб, турмуш вазифаларини адо этиб боради. Мазкур машғулотда оила даромади, у нималардан ташкил топиб, қандай тақсимланиши хусусида сўз юритилади. Очиғини айтиш керак, айрим кишилар токи бугунги кунгача даромад тушунчасини тор маънода қабул қилмоқдалар. Ваҳоланки, бозор иқтисоди шароитида даромад тушунчаси яна ҳам кенгаяди. Аввало, даромадлар манба жиҳатидан фарқ қилади. Масалан, иш ҳақининг манбаи зарур маҳсулот бўлса, фойда, рента, фоиз ва дивиденднинг манбаи қўшимча маҳсулотдир. Бугунги кунда инсон ўз хоҳишига қараб ҳар хил манбадан даромад кўриши мумкин. Оддий мактаб муаллими педагогик фаолияти учун иш ҳақи олади. Бундан ташқари, у бирор акционерлик жамияти ҳиссадори, бинобарин, акция эгаси бўлгани учун ҳам дивиденд олиш имкониятига эга. Агар унинг томорқаси бўлса ер эгаси сифатида рента пулини ҳам олади. Бу маблағларни у банкка қўйиб фоиз (процент) олишга эга бўлиши ҳам мумкин. Бозор учун маҳсулот етиштириб, тадбиркорлик фаолияти учун даромад кўриш имконияти мавжуд. Демак, оддий муаллим учун даромад олишнинг иш ҳақидан ташқари қўшимча манбалари ҳам бор экан. Табиийки, даромаднинг асосий улуши иш ҳақи фойда, дивиденд, фоиз, рента кабилар эса унинг учун қўшимча манбалардир.

Даромад ва унинг манбалари нафақат ўқитувчилар ва ўқувчиларни, балки барчани бугунги кунда қизиқтирмоқда. Бу масала иқтисодиёт назарияси дарсликларида таъкидланишича, (А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев "Иқтисодиёт назарияси". Тошкент, "Меҳнат", 1995 й.) даромадлар ўз эгаси ихтиёрига келиб тушиши жиҳатидан ҳам турлича бўлади. Юқорида келтирилган даромаднинг у ёки бу кўриниши пул шаклида эгасига тегади, пул шаклида бўлмаган натура ва имтиёз шаклидаги даромадлар ҳам мавжуд. Масалан, фермер хўжалигида маҳсулотнинг бир қисми бозорга тушмаган ҳолда, хонадонда ёки ишловчилар билан истеъмол этилади. Бу нарса томорқа хўжалигида яққол намоён бўлади. Масалан, томорқа соҳиби асосий иш ҳақидан, айтайлик 120000 сўм даромад олса, муаллим ўз томорқасидан яна 70000 сўм даромад олиши мумкин. Бундан ташқари, натура шаклида оила аъзолари билан 1000 кг турли маҳсулотларни истеъмол қилади, уни ҳам пулга чақсак, айтайлик, 25000 сўм бўлади.

(Давоми 2-бетда)

ТАЪТИЛДАГИ ЮМУШЛАР

Ҳайкалтарошлик ҳам аслида санъатнинг бир туридир. Ҳар бир санъат асарини синчковлик билан кўздан кечирсангиз, маълумки, у сизни кўп нарсадан воқиф қилади. Санъат асари ҳисобланмиш мана шу жажжи ҳайкалчалар ҳам асосан болалар қўли билан тайёрланган бўлиб, бизга кечаги ўтмиш тарихимиздан ёки севимли эртакларимиз қаҳрамонлари тилидан сўзлаётгандек гўё... Мактабда болажонларга нафосат асосларининг илк тушунчаларини беришда ҳар бир устозмуаллим уларда дастлабки эстетик дидларини шакллантиришга кўпроқ аҳамият бериши даркор. Бу борада бола теварак-атрофдаги оламнинг ҳайратга сазовор жиҳатларини кўра билиши, кўрган нарсаларидан ҳайратланиб, уларни ижодий баҳолай олиши зарур.

Жойларда санъатга қизиққан иқтидорли ўқувчилар учун турли хил тўгаракларнинг ташкил қилиниши ҳам аҳамиятга моликдир.

Суратларда: Жиззах шаҳридаги 22-мактабда ташкил этилган ҳайкалтарошлик тўгараги раҳбари Олимжон Нарзиев шогирди Азиз Каримов ясаган ҳайкал композициясини кўздан кечирмоқда.

Учкўприк туманидаги 15-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилшод Эргашев ҳам ҳайкалтарошлик сирларини ўргатган устози И.Хидиров меҳнатларидан мамнун.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Суд давом этмоқда

ВАТАНГА ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАР КЕРАК

"Шоир бўлмасанг ҳам майли, лекин Ватан ўғлони бўлишинг шарт" деган эди ўтган асрда яшаган алломалардан бири. Республика Олий Судида бир гуруҳ ватанфурушлар устидан олиб борилаётган суд жараёнига гувоҳ бўлар экансиз, ногоҳ ана шу ҳикмат ёдга тушади.

Наманган вилояти ва, айниқса, Наманган шаҳрининг халқи "Олтин водий" ёшлар марказининг директори Абдуллажон Жўраевни яхши танийди, қадрлайди ва ҳурмат қилади. Сабаби, вилоятда 8-10 йиллар муқаддам норасмий "Адолат" ташкилоти тузилган ва ўзининг жиноятқорона фаолиятини бошлаб юборган пайтда мазкур ташкилотнинг бутунлай ноқонуний бўлиб, фақат кўрқитиш негизига қурилганлиги тўғрисида биринчи бўлиб ҳайқириб чиққан мана шу жасур инсон эди. Ўшандан кейин Абдуллажон Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиев ва йўқ ердан йўниб чиққан бошқа "амир" ва "амирзода"ларнинг таҳдидларига нечанеча марта дуч келди! Лекин бўйин эгмади, курашди.

Жараёнда қатнашаётган жамоатчи айбловчилардан бири бежиз шундай демади:

—Мабодо сизга ўхшаш Абдуллажонлардан Наманганда тўртта-бешта бўлганида ҳеч қандай Тоҳирлару Жумабойлар бош кўтаролмай қоларди.

Афсуски, Абдуллажонга ўхшаб фидойилик кўрсатиш, Ватан фарзандига хос ҳушёрлик, сергаклик намоён қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас экан. Бунга ҳозир "Ўзуйжойжамғармабанк" Собир Раҳимов туман бўлимида ишлаётган ўттиз ёшли Рустам Собировнинг хатти-ҳаракатлари яққол мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ён дафтарига

ХАВФЛИ РАҚАМЛАР

Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, бугунги кунда ер юзидаги 11046 турдаги ҳайвон ва ўсимликларнинг келажаги хавф остида турибди. Айниқса, ҳайвонот дунёси учун Хитой, Ҳиндистон, Индонезия ва Бразилия, наботот олами учун Марказий ва Ғарбий Африка ҳудудлари энг хавфли чегарага айланиб қолмоқда.

ЙИЛИГА ЎН МИЛЛИОН

Хитойда аҳоли сони йилига ўн миллион нафарга кўпаймоқда. Агар ўсиш суръати шу тахлит давом этса, 2050 йилга бориб мамлакат аҳолисининг сони 1,6 миллиардга етиши мумкин. Айни пайтда Хитойдаги барча муассасаларда аҳоли кўпайишини режалаштириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда

ОТА-ОНАГА БОҒЛИҚ

Германиялик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ёшлар никоҳининг барқарорлиги уларнинг ота-оналари оилаларининг нечоғлик барқарор бўлганлигига боғлиқдир. Агар никоҳланган томонлардан бирининг ёшлигида ота-онаси ажралишган бўлса, унинг оиласининг бузилиши эҳтимоли 50 фоиз юқори бўлади. Агар никоҳланаётганларнинг ҳар иккиси ажралишиб кетган оилалардан келиб чиққан бўлса, бундай никоҳ батартиб оилалар фарзандлари никоҳларига нисбатан икки ҳисса беқарордир.

САЙЁРАМИ, АСТЕРОИД?

Бундан 70 йил муқаддам Қуёш системасига тўққизинчи сайёра сифатида Плутон ҳам киритилганди. Хўш, диаметри атиги 2200 километрни (Ой диаметри 3477 километр) ташкил этган Плутонни сайёралар сафида қолдириш керакми ёки ўн мингинчи астероид сифатида баҳолаш лозимми? Айни пайтда Халқаро астрономия иттифоқининг 500 нафарга яқин тадқиқотчилари худди шу савол устида бош қотиришмоқда.

Келинг, бир фикрлаб кўрайлик-чи, оилангизга даромад қаердан келади?

Республика Олий Судида давом этаётган суд жараёнида юртфурушларнинг асл башараси очилиб, кимнинг ким эканлиги аниқ-равшан кўзга ташланиб қолмоқда...

ДАРОМАДГА ҚАРАБ БУРОМАД

"Иқтисодий билим асослари" фани дарсларида "Оила иқтисоди" мавзуси хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, мамлакатимизда билим олиш ёки касб ўргатишлар, тиббий хизмат асосан бепул. Бундай хизмат ҳам бозор шароитида натура-хизмат шаклидаги даромадга киради. Мамлакатимизда ўқитувчилар уй-жой ҳақи, маиший хизмат ва транспорт ҳақи бўйича имтиёзларга эга. Булар ҳам пул кўринишида бўлмаган даромадга киради. Даромадлар ҳақида юқоридаги муҳим тушунчаларни ўқитувчи ўзи билиб олгач, шулар асосида дарснинг қуйидагича боришини уюштириши мақсадга мувофиқ бўлади.

ДАРС УЧУН КЕРАКЛИ ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ

ДАРОМАД ВА УНИНГ ТУРЛАРИ



Даромад давлат савдо-саноат муассасалари, корхоналар, фирмалар, ижтимоий ташкилотлар ёки айрим шахслар ҳисобига келиб тушадиган пул тушуми ва бошқа маблағлар.

ДАРСНИ ОЛИБ БОРИШ

Ўқувчиларга ўз оиласидаги сармоянинг қандай шаклланиши, оиладаги даромадлар қаердан келишини оддий ҳаётий мисоллар билан тушунтириш лозим.

— Қани, ҳар бирингиз бир ҳафтада, бир ойда музқаймоққа, тушликка, ручкага, қаламга, кинога, хиёбонлардаги ўйинлар ва бошқа ашёларни сотиб олишга қанча пул сарфлаганингизни ҳисоблаб чиқинг-чи?

Ўқувчилар шахсий тахминий сарф-харажатларини ёзиб бўлишгач, муаллим дарс мавзусини давом эттиради:

— Бирор нарса сотиб олишдан аввал сиз икки нарсага алоҳида эътибор беришингиз керак. Биринчидан, ҳаётий зарур товарларни сотиб олишдан аввал ишлаб пул топиш лозим. Иккинчидан, ишлаб топилган пулни қандай сарфлаш керак? Ҳозирча сизга нақд пулни ота-онангиз беради. Келинг, бир фикрлаб кўрайлик-чи, оилангизга даромад қаердан келади? Бу даромадни кўпайтиришга Сиз ҳам ҳисса қўша оласизми? Ота-онангиз бирор касб-ҳунар билан машғуллиги эвазига топадиган пулининг катта қисми оилангизга иш ҳақи кўринишида келади. Мисол учун, Шерзоднинг ота-онаси биргаликда ойига 35000 сўм иш ҳақи оладилар. Улар, дейлик "Элнур" ҳиссадорлик жамиятининг акцияларига ҳам эгалар. Шерзоднинг ота-онаси акция эгаси сифатида акциядан пул кўринишидаги дивиденд ҳам оладилар. Чунки акция эгаси сифатида Шерзоднинг мулкдор отаси менежер, у иш ҳақидан ташқари, корхона (фирма) кўрган фойдадан тадбиркорлик қобилияти учун ҳам улуш (ҳисса) олади, яъни тадбиркорлиги туфайли фойда олади. У ҳам пул кўринишида бўлиши мумкин. Уларнинг томорқалари ҳам мавжуд. Томорқа ҳам даромад манбаи. Ер эгаларининг қишлоқ хўжалиги ерларини фойдаланишга беришдан оладиган пул маблағлари иқтисодда рента дейилади. Рента қўшимча маҳсулотнинг бир қисми сифатида ер эгалари томонидан ўзлаштирилади.

Шерзодлар оиласида ортиқча пул жамғарилди. Дейлик, уни хоҳлаган банкка қўйиб фоиз ҳам олиш мумкин ёки биноларни ижарага бериб ижара ҳақи ҳам олиши мумкин.. Ижара (аренда) мулкий ёлланиш бўлиб, унда ижарага сўровчига маълум мукофот пули эвазига, яъни ижара ҳақи учун шартнома асосида мулк вақтинча фойдаланишга берилади. Ана кўрдингизми, Шерзодларнинг оиласи даромади Сиз ўйлаганингиздек фақат иш ҳақи кўринишида эмас экан. Оила умумий даромадининг номи турлича бўлган, лекин пул кўринишида кўлга тегадиган иш ҳақи+фойда+дивидент+фоиз+рента ёки ижара ҳақи кўринишида экан. Бундан ташқари, Шерзодлар хонадонида картошка, пиёз, сабзи, ҳўл мевалар, чорва маҳсулотлари ўзларидан чиқади. Бу уларнинг натура шаклидаги даромадидир. Шерзод ва унинг укаси Шоҳруҳ, синглиси Фаридаларнинг умумтаълим мактабларидаги бепул таълими, давлат томонидан кўрсатилаётган бепул медицина хизматларни пулга чақсак, оиланинг даромади чакки эмас экан. Демак, бу оилага ҳавас қилса арзийди. Бутун оила аъзолари ота-она, Шерзод, Шоҳруҳ, Фаридалар ҳар куни мактабдан сўнг томорқада меҳнат қиладилар, чорвани парваришлайдилар ва шу аснода оила бойлигига салмоқли улуш қўшмоқдалар. Одам эга бўлган жами ашёлар қиймати бойлик, деб аталади. Оиладаги бутун мулк қиймати, банк ҳисоб варағидаги пул, жамғарилган пул ва бошқалар жамланса, бойлик ҳажми келиб чиқади. Демак, оила даромади фақат иш ҳақи эмас экан. Унинг бошқа турларидан унумли фойдаланиш оилага фаровонлик келтиради. Зеро, манбаларда ёзилишича, бугунги кунда иш ҳақининг оила даромадларидаги ҳиссаси 34 фоиздан ошмайди. Шу боис, бошқа ресурслардан олинган даромадни ҳам назарда тутиш керак, чунки иқтисодий эркинлик бўлганидан кишилар турли фаолият билан шуғулланиб, ҳар хил йўл билан даромад топишга ўрганиб қолишди.

Даромад турларига яна талабалар стипендияси, пенсионер нафақаси, кам таъминланган оилалар нафақаси, турли туман ижтимоий ёрдам турларини ҳам кўрсатиш мумкин. Мамлакатимизда оилаларда тадбиркорликнинг ривожланиши учун шарт-шароит яратилди, давлат томонидан ҳар тарафлама, жумладан, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланди, уларга кредитлар берилмоқда, чунки тадбиркорлик бозор иқтисодининг таянчи, ишонган боғи, суянган тоғи, унинг мотори бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Тадбиркорликка катта эътибор бериб, мамлакатимиз иқтисодий тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган ва миллий манфаатларига хизмат қилувчи ҳақиқий ватанпарвар мулкдорлар синфини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб вазифасига айланди.

Дарс сўнгида қуйидаги саволларни синф билан муҳокама қилиш мумкин.

1. Нима учун сиз сарф-харажатларингизни режалаштириб боришингиз керак?

2. Нима учун ота-онангиз доим сиз сўраган маблағни беравермайдилар?

3. Оиладаги иш ҳақидан ҳам бошқа даромад манбаларини санаб чиқинг. Сизнинг оилангизда уларнинг қайси бири бор?

4. Натура шаклидаги даромадга нималар киради? Сизнинг оилангиз бундай даромадга эгами?

5. Сиз оиланинг бойлиги, деганда нималарни тушунасиз? Сиз ҳам оила бойлигига ҳисса қўша оласизми?

6. "Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилади", деган ўзбек халқ мақолининг маъносини айтинг.

7. Луғат дафтарингизга ушбу машғулотда қандай янги иқтисодий атамаларни ўрганиб олганингизни қайд қилиб қўйинг.

Ана энди сиз оиладаги даромад манбалари ҳақида билиб олдингиз. Уйда ота-онангиз билан қуйидаги жадвални бирга тўлдиринг.

№	Оила аъзолари	исми	ёши	иш ёки ўқиш жойи	иш ҳақи, нафақа ёки стипендия миқдори
1.	Бува				
2.	Буви				
3.	Ота				
4.	Она				
5.	Ўғил				
6.	Қиз				
7.					
8.					
9.					
Жами_____(I)					

Оиланинг бошлиғи_____

Оиланинг иш ҳақидан бошқа даромад манбалари (сўмда)

1. Фойда _____сўм
2. Дивиденд_____сўм
3. Фоиз_____сўм
4. Рента_____сўм
5. Томорқа_____сўм

Жами_____(II) сўм

Оиладаги барча даромад (I)+(II)=____ сўм бўлади.

Бахтиёр КАРИМОВ,
Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 138-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

БАКАЛАВРИАТДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Taklif

1998-99 ўқув йилидан бошлаб, олий таълимнинг ўқув режаларида мустақил таълимга эътибор кучайтирилмоқда. Мустақил ўзлаштиришга ўрганган талабадан етук мутахассис чиқиши сир эмас. Тараққий этган хорижий мамлакатларда талабалар мустақил таълим соати юқори кўрсаткични ташкил этади. Республикамизда эса бу кўрсаткич бакалавр йўналиши учун 16,6 фоиз этиб белгиланган ва бу жараёнга олий ўқув юртлари турлича ёндашмоқда.

Бакалавриат ўқув режаларида мустақил таълим соати аудитория ишлари деб номланган қисмга кириб қолган. Бу қисмда курс лойиҳалари (ишлари) ҳам бор. Шу сабабли баъзи ўқитувчилар ўқув режасини рўкач қилиб, "мустақил таълим" аудиторияда ўтилиши ва унга белгиланган соат ўқув юкламасига киритилиши керак, деб даъво қилмоқдалар. Ваҳоланки, курс лойиҳаси (иши) якка тартибда аудиториядан ташқари, "мустақил таълим" ҳам турли шакллар ўтказилади ва унга ажратиладиган ўқув юклама соатининг меъёрлари бор.

Тошкент Давлат Авиация институтида 2000-2001 ўқув йилида мустақил таълим ўқув режасида кўрсатилган соатга мувофиқ, тузилган фаннинг мавзуларини мустақил мутолаа қилиш орқали бажариш режалаштирилган. Мутолаа қилиш жараёнида туғилиши мумкин бўлган саволлар ўқитувчи томонидан маслаҳат соатларида тушунтирилади. Шу сабабли фан бўйича маслаҳат соати "вақт меъёрлари"да кўрсатилганидек, маъруза соатида 5 фоизгача эмас, балки фаннинг семестр учун белгиланган ҳажми соатидан 5 фоизгача олинди. "Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси" фани бўйича мустақил таълимнинг 27 соатидан 18 соати амалий машғулот шаклида, ўқитувчининг назорати остида аудиторияда ўтказилмоқда. Фанлардан мустақил таълимнинг 27 соатидан 20 соати (18 та амалий машғулот, 2 та маслаҳат соати) кафедра ўқув юкламасига киритилди. "Назарий механика", "Материаллар қаршилиги", "Машина ва механизмлар назарияси", "Назарий электроника" фанлари бўйича мустақил таълим ҳисоб-график ишлари шаклида ташкил этилган. Буларга мустақил таълим соати "вақт меъёрлари" бўйича ҳар бир талаба учун 1 соатдан ҳисоблаб белгиланган. Мустақил таълим бўйича ўзлаштирилган мавзулар рейтинг назорати асосида текширилади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар"нинг 1-қисмида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 305-сонли буйруғига 6-иловада (129-бет): "Талабаларнинг мустақил билим олишига ажратилган у ёки бу фаннинг мавзулар дастури кафедра томонидан тайинланади ва у бўйича тайёргарлик назарий ва (ёки) амалий (уй вазифаси, курс иши ёки унинг бир қисми ва ҳ.к.) шаклида бўлиши мумкин" дейилган. Ушбу буйруқнинг давоми сифатида вазирликнинг 1999 йил 24 декабрда қабул қилинган "Талабаларда мустақил фикрлаш, билим олиш хусусиятларини шакллантириш муаммолари ҳақида"ги ҳайъат қарорида мустақил билим олиш шакллари келтирилган ва профессор-ўқитувчиларга фанларнинг амалдаги иш дастурларини қайта кўриб чиқиш топширилган.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: мустақил таълим турли шаклларда ташкил этилади ва унга белгиланадиган ўқув юкламаси таклиф этилаётган таълим шаклига биноан, «вақт меъёрлари» бўйича белгиланади.

Агар ўқув режаларидаги "аудитория ишлари" деб ёзилган қисмни "ташкил этувчилар" деб алмаштирилса ва ундаги: "Мустақил таълим ўқитувчининг маслаҳати тарзида ўтказилади" дейилган учинчи изоҳ олиб ташланса, ўқитувчилар орасидаги ортиқча тортишувга чек қўйиларди.

Биз, профессор-ўқитувчилар олдидаги асосий вазифа — талабаларда мустақил фикрлаш, билим олиш хусусиятларини шакллантиришдан иборат.

Т.ҚОДИРОВ,
Тошкент Давлат авиация институти ўқув бўлими бошлиғи

Пойтахтнинг Бектемир туманидаги 574-"Олтин калитча" болалар боғчаси намунали тарбия масканларидан ҳисобланади. Муассасада машғулотлар янги педагогик технологиялар асосида қизиқарли, жонли олиб борилмоқда. 35 йилдан буён жажжи ўғил-қизларни тарбиялаб келаётган илғор тарбиячи, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Диёра Норбоеванинг хизматлари муносиб тақдирланди. У "Шуҳрат" медали соҳибаси бўлди.

Суратда: тарбиячи Д.Норбоева мурғак қалбларга мантиқий тафаккурни ривожлантиришга доир бошқотирма ўйинларини ўргатаётир.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

МАҲАЛЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Республика ёшларининг "БиоЭКОСАН" ўқув-услубий мажмуаси яқинда Шайхонтоҳур туманидаги "Олмазор" маҳалласида истиқомат қилувчи аҳоли билан кенгаш утказди.

Унда "Соғлом муҳит — соғлом авлод гаровидир" мавзуида маърузалар қилинди. Таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Тадбирдан асосий мақсад, маҳалладаги ўқувчи-ёшларнинг дарсдан сўнг бекор юрмаслигини таъминлаш ва шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мазмунли утказишга қаратилди.

"БиоЭКОСАН" мажмуасида "Соғлом авлод" Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилиниб, унга кура, "Маслаҳат маркази" ташкил этилган ва бунда марказ, энг аввало, ёшларимизнинг тиббий саводхонлигини ошириш ва соғлом оилавий ҳаётга тайёрлашни кузда тутган.

Бугунги кунда "Соғлом авлод учун" нодавлат халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ёшларнинг соғлом турмуш тарзи ҳамда келажакда соғлом оила қуришни таъминлаш буйича тиббий-психологик ҳамда ҳуқуқий билимлар бериш ишлари олиб борилмоқда. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оналик ва болалик манфаатларини муҳофаза қилиш, инсон саломатлиги муаммолари юзасидан "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Психолог шифокорлар ҳар доим ёшларга керакли маслаҳатларни бериб боришади. "БиоЭКОСАН" ўқув-услубий мажмуасининг ходимлари маҳалла аҳлининг фарзандларига фаол ёрдам курсатиш мақсадида кўпгина ишларни амалга оширишмоқда.

Инобат МАМАСОЛИЕВА

БИЗ УЧУН КОНИ ФОЙДА

Maktabgacha ta'lim

Мактабгача таълим ходимлари малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курсига республикамиз вилоятларидаги мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, услубчилари малакаларини ошириш учун ташриф буюрганлар. Улар "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", янги педагогик технологияларни амалиётга жорий этилиши юзасидан маърузалар тингладилар, пойтахтдаги илғор болалар боғчалари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Танишув якунида давра суҳбати ўтказилди. Қуйида уларнинг фикрлари билан танишасиз.

Жўрахон АБДУЛЛАЕВА, Асака шаҳридаги 7-болалар боғчаси мудираси, халқ таълими фидоийси:

— Малака ошириш курсидаги ҳозирги замон талаблари асосида мониторинг ҳонасининг жиҳозланишини кўрдик. Гуруҳларда рейтинг асосида олиб борилаётган машғулотлар, концепцияга бўйсунган ҳолда таълим тўғрисидаги дастур ва йўлланмалар олдик. Давлат талабларининг бажарилишида оид маълумотлар билан ганишдик. Боғчаларга бо-оиб, дастур бўйича амалга оширилаётган илғор педагогик технологиялар, мусиқа, чет тилининг ўргатилиши, ўйин тарзида олиб борилаётган машғулотлар орқали болаларнинг мустақил фикрлашга ўргатилиши катта таассурот қолдирди. Айниқса, маърузачи, психолог Мавлуда Қоплонованинг "Таълим-тарбияда раҳбар қандай бўлиши керак?" деган саволга мисоллар орқали жавоб берганлиги йўлланмалари менга жуда маъқул бўлди. Иш жойимда, албатта, ана шунга амал қилишга ҳаракат қиламан.

Боғчамизда 6 та гуруҳ (битта илк ёшли, битта ногиронлар) мавжуд бўлиб, уларда 140 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланмоқда. Ногиронлар гуруҳидаги 13 нафар болага тўлов бадалининг 50 фоизини туман халқ таълими бўлими ўз зиммасига олган. Болага ногиронлигини сездирмаган ҳолда соғ болалар билан бир хилда таълим-тарбия беришга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳомийларимиз шаҳар ногиронлар жамияти, Асака шаҳар ҳокимияти, Соғлом авлод жамғармасидир. Боғчада инглиз тили, мусиқа, ўйин, ашула, шашка, тиқувчилик тугараклари болажонлар хизматида.

Дилбар УСМОНОВА, Китоб туманидаги "Дилшод" болалар боғчаси мудираси:

— Малака оширишга келиб давлат талабларидан, маърузалардан шу хулосага келдимки, эндиликда болалар боғчасини мактабгача таълим муассасаси деб аташга одатланишимиз керак. Чунки болаларни мактабга тайёрлаш бутунлай муассаса зиммасига юкланганлигини ҳис қилдим. Мен қишлоқ Кенгашлари, фуқаролар йиғини билан келишган ҳолда кам таъминланган оилаларга ёрдам тариқасида имтиёзли равишда болаларни мактабга тайёрлашни мўлжаллаяпман.

Моддий базамизни мустаҳкамлаш учун ер олиб, экин экдик. Ундан келган маблағни юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар олишга, таъмирлаш ишларига сарфладик. Шахсий ҳисобимиздан камида 600-800 минг сум ишлатдик. Соғлом авлод йилида картошка, ловия, нўхат, помидор каби сабзавотлардан тайёрланган алоҳида таомнома билан болаларни бепул таъминлаяпмиз.

Муассасамизда 2000 йил мартдан август ойигача болалар боғчасига қамралмаган кичкинтойларни мактабга тайёрлаш гуруҳи ташкил қилдик. Мазкур 6 соатлик гуруҳда 48 нафар ўғил-қиз мактабга ҳозирланди. Гуруҳга туман молия бўлими ҳомийлик қилди. Айни чоғда болалар 17-мактабда билим олаётирлар. 2001 йилда ҳам ана шундай гуруҳ очиш ниятимиз бор.

Гўзал КАРИМОВА, Беруний шаҳридаги 16-махсус болалар боғчаси услубчиси:

— Ҳозирги кунда янги дастурлар, янги педтехнологиялар асосида машғулотлар олиб борилаётган экан, мен ҳам курс тингловчиси сифатида олган билимларимни иш жойимда татбиқ этишга, соғлом авлодни вояга етказишда илғор тажрибалар бўйича олган билимларимни қўллашга, қолаверса, тумандаги барча болалар боғчаларига етказишга ҳаракат қиламан.

Холбуви НАЗАРОВА, Қўшработ туманидаги 3-"Шодлик" болалар боғчаси услубчиси:

— Курсда малака ошириш жараёнида Тошкент шаҳридаги 19-, 20-, 107-болалар боғчаларининг иш тажрибалари билан яқиндан танишдик. Мазкур боғчаларнинг тарбиячилари, услубчиларининг илғор иш тажрибалари, ноанъанавий машғулотларини ўз боғчамда қўллашга ҳаракат қиламан. Бунинг учун муассасамизда барча шароит муҳайё.

Зуҳра РАЖАБОВА, Тўрақўрғон туманидаги 5-"Табассум" болалар боғчаси мудираси:

— Малака ошириш жараёнида Шайхонтоҳур туманидаги 484-болалар боғчасида утказилган машғулотлар билан танишдим. Айниқса, инглиз тили буйича утказилган машғулот менда яхши таассурот қолдирди. Катта гуруҳ кичкинтойлари инглиз тилида бемалол гаплашиб, саволларга инглиз тилида бурро жавоб қайтаришди. Мухторжон Тоштемировнинг инглиз тилида олиб бораётган иш тажрибаларини вилоятлардаги боғчалар ўрганса, фойдадан холи бўлмайди.

Суҳбатни Дилбар ХЎЖАЕВА ёзиб олди.

ВАТАНГА ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАР КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

У 1999 йил бошларида Республика Ички ишлар вазирлигида масъул лавозимда ишлар эди. Кунлардан бирида ўрта мактабдан таниш бўлган синфдоши Улуғбек Бобожонов ўз хотини билан бирга чет элга бориб дам олиб келмоқчи эканини айтади ва хорижга чиқиш учун виза олишда ёрдам беришни илтимос қилади. Афсуски, Рустамни агар собиқ синфдошининг илтимоси остида бир гап бўлмаса нега визани қонуний йўл билан ўзи олавермайди, деган савол қизиқтирмаган. У «лаббай», дея Собир Раҳимов туман ички ишлар бошқармаси орқали Улуғбекнинг илтимосини "тўғрилаб" беради. Орадан бир неча ҳафта ўтар-ўтмас, 1999 февралида эса Тошкентда даҳшатли портлашлар бўлиб ўтди. Мазкур жиноят ижрочиларидан бири, чет эл визасига эга бўлган Ватан хоини Улуғбек Бобожонов зум ўтмай, жуфтакни ростлаб қолди...

Республика Олий Судида давом этаётган суд жараёнида юртфурушларнинг асл башараси очилиб, кимнинг ким эканлиги аниқ-равшан кўзга ташланиб қолмоқда...

"Туркистон-пресс"

ТИЛ —

Ta'kid

Қўшним — рус йигитининг ўзбек тилини ўргана бошлаганини эшитиб, хурсанд бўлдим. Андрей ўзи тиришқоқ, тиниб-тинчимас бола. У Иқтисодиёт университетида таҳсил олиб, қандайдир қўшма корхонада ҳам ишлайди, немис тилини яхши билгани учун таржимонлик ҳам қилади. Бундан ташқари, вақт топиб, компьютер курсларига қатнайди, бу ёқда эса ўзбек тили — Давлат тилини ўзлаштира бошлабди. У мендан бир-икки марта феъллар ҳақида сўради. Унинг фикрича, ўзбек тилида энг қийини феълларнинг тусланиши экан, қолгани хамирдан қил суғургандек осон эмиш. Тўғрисини айтсам, русийзабон боланинг менинг она тилимга бўлган қизиқиши мени қувонтирди. Лекин унинг ўзбек тилини бутунлай ўзлаштириб кетишига кўзим етмади. Чунки айни пайтда бунга унчалик эҳтиёж йўқдек назаримда. Андрейнинг умидлари катта бўлгани учун, ҳар ҳолда ўзбек тилини ўрганиш зарар қилмайди, деган мақсадда тилни ўзлаштиришга жазм этибди. Лекин у, бирор марта ўзбек тилига иши тушганини эсламайди. Уни қаерга таклиф этишмасин, бирорта жойда ўзбек тилини биласанми, деб сўрашгани йўқ. Рус ва инглиз тилини билиши эса, доимо талаб қилинар экан. Андрей саккизта ўзбек, иккита рус кишилар билан ишлар экану, лекин ҳеч ким бу фирмада ўзбек тилида бир оғиз сўз гапирмас экан. Фирманинг барча ҳужжатлари рус тилида расмийлаштирилиб, махсус ходим уларни ўзбек тилига таржима қиларкан.

Ҳозирда бу йигитнинг фирмадаги ишлари муваффақиятли кетяпти. Фирма бошқарувчиси унга инглиз тилини ўрганишни маслаҳат берибди. Инглиз тили ўқитувчиси ундан соатига икки доллардан ҳақ сўрабди. Андрей рози бўлмабди, лекин барибир рози бўлади — қаерга ҳам борарди. Талаб шундай.

Қизиқ, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганда, кўпчилик, бу тилга бошқа тилда сўзлашувчиларнинг қизиқиши ортади, деб ўйлаган эди, лекин, аксинча, жаҳон тиллари, айниқса, инглиз тилининг нуфузи ошиб кетди. Қаерга қараманг, баланд нархда инглиз тили курслари очиб ташланган. Тўғри,

БОШ МАҚСАД — БОЛАЛАР МАНФААТИ

Каттақўрғон шаҳридаги 5-махсус ёрдамчи мактаб-интернатнинг асосий мақсади ва вазифаси ўқувчиларнинг психофизик камчиликларини тўғрилаш, уларнинг меҳнат қобилиятини ривожлантириш ва тарбиялашга қаратилгандир. Мана шу вазифадан келиб чиқиб, охирги икки йилда бу масканда ижобий ўзгаришлар бўлди.

Аввало, ўқувчилар ва мактаб-интернат педагог ходимлари, ишчи-хизматчиларига шарт-шароитлар яратиб берилди. Анча эскириб кетган ўқув хоналаридаги ва ётоқхоналардаги электр симлари алмаштирилди. Синфхоналар, устахоналар, ётоқхоналар, мактаб-интернат ҳовлиси тўлиқ таъмирланди. Ўқув хоналарида ўқувчилар билим олишлари учун барча шароит яратилди. Ҳар бир ўқув хоналари, ётоқхоналар учун жавобгар ўқитувчи ва тарбиячилар биркитилиб, яхши сақланган хоналар учун рағбатлантириш ишлари амалга оширилди.

Мактаб-интернатга ҳозирги кунда вилоят йўл қурилиши бошқармаси (бошлиғи Н.Қиличев) ва шаҳар ҳарбий савдо бирлашмаси (бошлиғи М.Асраев) ҳомийлик қилмоқда.

Барча байрамларда улар ўқувчиларга совға-саломлар улашмоқдалар. Вилоят йўл қурилиш бошқармаси мактаб-интернат ҳовлисини асфальтлашга ёрдам берди.

—"Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи ўз иш услубига ўзгартиришлар киритиб, ўз устида ишлаш, ҳар бир дарс ва машғулотларни методик жиҳатдан тўғри ташкил қилиш, кўргазма воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда ўқувчиларга тўғри тарбия беришга ҳаракат қилишмоқда, — дейди мактаб-интернат директори Мансур Рашидов. — Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўқувчилар билан ишлаш услубида ҳам ижобий натижалар қайд этилмоқда. Бу меҳнатларини инобатга олган ҳолда уларни мунтазам рағбатлантириб бормоқдамиз.

Мактаб-интернатда спорт соҳасига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўқувчиларни жисмонан соғлом қилиш учун биринчи навбатда, даргоҳда спорт майдончаси тўлиқ таъмирланди. Ўқувчилар учун зарур спорт кийимлари, жиҳозлар берилди. Мана, етти йилдирки, мактаб-интернат жамоаси ўз ташаббуси билан ўтказилаётган вилоят ёрдамчи мактаблар олимпиадаси мусобақасида ғолиб бўлиб келмоқда. Жамоанинг кейинги режалари ушбу спорт мусобақасини республика миқёсида ўтказишдир.

Интернат кутубхонаси мустақилликдан сўнг нашр этилган дарсликлар ва бадиий адабиётлар билан тўлдирилди. Кутубхонада китоблар синфлар бўйича алоҳида-алоҳида қилиб жойлаштирилган. Мактаб-интернатда тиббиёт ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу ерда шифокор ва икки нафар тиббиёт ҳамшираси фаолият кўрсатишмоқда. Ўқувчиларнинг ҳаммаси доимо тиббий назоратда бўлиб туради. Ўқувчиларни даволаш учун доридармонлар етарли миқдорда таъминланмоқда.

Мактаб-интернатни полиз маҳсулотлари билан тўлдиришда ёрдамчи хўжалик ишчиларининг хизмати катта бўлмоқда. Улар гуруч, сабзи, карам, помидор, тарвуз, ошқовоқ, беҳи, қуритилган мевалар билан болалар дастурхонини бойитишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мактаб-интернатда бугунги кун талаблари асосида иш юритилаётир.

Фазлиддин РУСТАМОВ

ЎЗБЕКНИНГ МАҲАЛЛАСИ

Savob

Бир кишига етадиган таом икки кишига, икки кишилик неъмат эса тўрт кишига етади, деган ҳикмат бор. Очиққўнгиллик, очиққўллик таърифланаётган бу гап замирида яна бир ҳикмат ётибди: одам одам билан тирик.

Ўзбек асло ёлғизликка мойил эмас. Яхши-ёмон кунларини қўни-қўшни, маҳалла-кўй билан биргаликда ўтказади. Ўзбекона тўй замирида ҳам шу ҳикмат ётади — бирдамлик, бардавомлик.

Юртимизда ибратли маҳаллалар кўп, янада кўпаймоқда. Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги "Ёшлик" маҳалласи ҳам шулардан бири. Маҳаллада амалга оширилаётган эзгу ва мақсадли ишлар ҳақида маҳалла оқсоқоли Муҳаммаджон Файзиев шундай дейди:

— Маҳалла аҳлининг гўзал турмуш кечиришлари учун қўлдан келганча ҳаракат қилмоқдамиз. Йил бошидан бери уюштирган барча тадбирларимиз шу мақсадга қаратилган. Маҳалламиздаги ҳеч бир инсон эътиборимиздан четда қолмайди. Мисол учун, 24-меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ҳамда моддий шароити оғир бўлган оилаларимизнинг 6 нафар фарзандининг хатна тўйини ўтказиб бердик. Кам таъминланган оилаларга ҳам доимий ёрдам уюштириб келамиз. Турли учрашувлар, тадбирлар ҳам фаолиятимизнинг энг муҳим бўғинларидан.

Миллий қадриятларимиз тикланиши, ривожланишининг асоси маҳалла билан боғлиқ. Ютуғимиз ҳам шунда. "Ёшлик" маҳалласининг фаолияти, улар амалга ошираётган ишлар — байрам тадбирларининг уюшқоқлик билан ўтказилиши, тўйларни ортиқча дабдабасиз ўтказиш, турли мавзудаги учрашувлар — буларнинг бари миллатимизга хос яшаш тарзи, яхшиликка интилиш намуна-си. Маҳалла — Ватаннинг кичик бир акси, кўзгуси бўлиб қолмоқда.

Ҳ.НИШОНОВ

Суратда: тўйдан лавҳа.

УСТОЗНИНГ ЧЎНТАК КИТОБИ

Taqriz

Бугунги толиби илм ўн йил аввалги талаба эмас. Бу гапни бот-бот эшитяпмиз, уни қабул ҳам қилдик. Негаки давр ўзгарди, 10 йил аввалги мақсад — ***истиқлолга эришиш*** *бўлган бўлса, бугунги мақсад, истиқлолни* ***мустаҳкамлаш, юртни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга*** *айланди. Бунинг учун эса дунё сиёсатига, иқтисодига, илмига ва ҳоказо йўналишлар бўйича интеграциялашишимиз лозим. Мазкур натижага эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган талаба устозларидан ўз эҳтиёжига яраша билим беришларини талаб қилади. Хўш, бундай шахс-мутахассисни ким тарбиялай олади?*

"Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида эътироф этилган барча ғоялар ва вазифаларнинг бугунги таълим муассасаларида меҳнат қилаётган зиёлилар олдига конкрет талабларни қўяётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Янги авлод тафаккурини илғор миллий ғоялар ва истиқлол мафкураси руҳида шакллантириш ва комил шахсни тарбиялаш масъулияти педагог-устоздан ўз фаолияти ва талаба-ўқувчиларга муносабатини яна бир бор таҳлил қилиш, замонавий, давр руҳига мос иш услубларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Маънавияти пок, адолатли, профессионал маҳоратли, инсонпарвар раҳбар, муаллим, устозгина ёшларни демократик муносабатларга тайёр, илғор технологиялар билан тиллашадиган, Ўзбекистон обрўсига обрў қўша оладиган касб эгалари қилиб тарбиялашга қодирдир".

Юқоридаги кўчирма "Устозларга эслатмалар" номли рисоладан олинди. Рисола муаллифлари С.Ғуломов, В.Каримова ва Х.Раимовлар ўз олдиларига шундай мақсадни қўйганлар: "Мазкур эслатмалар таълим ва тарбия соҳасида меҳнат қилаётган барча педагогларга мўлжалланган бўлиб, умид қиламизки, у ўқувчини ўз фаолиятини таҳлил қилган ҳолда, янада такомиллаштиришига кўмак беради".

Эслатма-ўгитлар бевосита яхши, муносиб шогирд тарбиялашга қаратилганлигини уни ўқигандаёқ ҳис қиласиз. Дейлик, "Устозлик бурчини англанг" бўлимида шундай фикрни ўқиш мумкин:

"Устозликнинг энг буюк бурчи — халққа нафи тегадиган, ақл-идроклы, қобилиятли, ўқувли шогирдлар тайёрлашдир".

"Устоз-шогирд муносабатлари бўлими"дан яна бир ўгит:

"шогирдингизни келажакда бизнес соҳасига ўргатишда унга шундай малака берингки, токи у эртага хориждаги бадавлат сармоядорлар маблағларини халқимиз манфаатига бўйсундириб бера олсин".

Ўзим ёш педагогман. Шу боис, рисоланинг барча бўлимларини эътироф этган ҳолда, унинг "Ёш педагогларга" бўлимини алоҳида таъкидлашни жоиз деб билдим. Зеро, бугун ёш педагогларга амалий маслаҳатлар кам бериляпти. Шу боис, мазкур бўлимдаги "Доимо янгиликка интилинг: инновацион услубингиз борми?", "Педагогик услубингиз монологми ёки диалог? Полилог ҳам бор", "Таъсир кўрсатиш: доимо ижобий самара берсин", "Ўз талабаларингизни ўрганинг". "Аудиториядаги ишни ташкил этиш усуллари" каби сарлавҳалар остида берилган эслатмаларни бир неча бор ўқидим, амалда қўллашга ҳаракат қилдим. Тўғрисини айтсам, жуда кўп ҳақиқатларни англадим. Дарс ўтишда ўз услубимга эга бўлишга ҳаракат қиляпман. Ўз-ўзидан ўтаётган фаним бўйича дастурни, маърузаларим матнини такомиллаштириш керак, деган хулосага келдим ва бу ишни бошладим.

Мазкур рисолада "Мураббийларга эсдалик" ва "Маъмурларга эслатмалар" бўлимлари ҳам мавжудки, улар мураббийлар, ректорлар, проректорлар, декан ва директорларга мўлжалланган бўлиб, унда ёзилган фикрлар бугунги айрим таълим соҳасидаги мураббийлар ҳамда раҳбарларга етишмайдиган сифатларни шакллантиришга хизмат қилишини ҳис қилдим.

Қисқача хулоса ясайдиган бўлсак, рисола ривожланишга, такомиллашишга мойил ҳар бир педагог ва раҳбар учун аҳамиятлидир. Сўзимизни сўнг сўз ўрнида келтирилган фикр билан якунласак: "Ҳар бир сўз Сиз учун, Сизнинг фаолиятингизни ривожлантириш учун ёзилган, синчковлик ва сермулоҳазалик билан ўқинг, албатта, фойда кўрасиз. Сўнгра ўз фикрларингизни яна қўшиб, ушбу эслатмаларни доимо ёнингизда олиб юринг".

Биз ҳам шу фикрларга қўшиламиз.

Ҳ.АБДУЛЛАХОНОВ,
ёш педагог

Таҳририятдан: Қуйида ушбу китобнинг айрим бўлимларидан намуналар эълон қилишни лозим топдик.

УСТОЗЛИКНИНГ САВОБИ ВА ШАРАФИ ҲАҚИДА

Устозлик — бу келажак, истиқбол учун мерос қилиб қолдириладиган бойликдир. Бу бойликнинг қадр-қиммати шу қадар буюкки, у одамни маънавий жиҳатдан бой қилиб, қалбни бахтга, илоҳий нурга тўлдиради.

"Устоз" сўзига берилган таърифга эътибор беринг-а, унинг мазмуни нақадар бой: Устоз — муайян фан, билим, соҳада бетакрор олим, педагог, мутахассис, ўз йўналиши бўйича барча янгиликлардан бохабар, ҳаётда ўз ўрнини топган; мавқеи, салоҳияти ва мактабига эга; олим-фузало, оқил, комил, ўрнак бўладиган, ўзининг илғор тажрибасига эга ва келажакни илмий тасаввур қиладиган, илмли, билимли, ҳамма томондан тан олинган маслаҳатгўй инсон.

Дунёда бирор кимса йўққи, унинг устози бўлмаса. У ҳукумат раҳбарими, буюк алломами, вазир ёки иқтидорли шифокорми, халқ меҳрини қозонган ёзувчими ёки қўли гул косибми, қўйингки, барча-барчанинг ўз устози ва ҳаёт йўлини чароғон этиб турувчи йўлбошчиси бўлади. Сиз ўзингизни УСТОЗлик бахти соҳиби ҳисобласангиз, қуйидагиларни унутманг:

— "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" ғояси Сизнинг ҳар кунги фаолиятингиз учун дастуриламал бўлсин ва шу буюк халқ ва давлатга муносиб шогирдлар тайёрланг;

—миллий ғурур ва ватанпарварлик ҳиссининг мавжудлигини Сиз, биринчи навбатда, ўз касбингизга садоқат ва ундаги касб маҳоратида кўрсата олинг, токи Сиз тарбиялаган ёшлар соғлом тафаккур ва дунёқараш эгалари бўлиб етишсинлар;

—Сиз яратган илмий мактабнинг боқийлиги — Сизнинг истиқболдаги шуҳратингиз, қарилик чоғидаги ризқу рўзингизнинг асосидир;

—шогирд Сизнинг юзингиз, обрўйингиз ва ишларингизнинг давомчилари эканлигини унутманг;

—боғбон ўзи эккан кўчатнинг мевасини дарҳол татиб кўра олмаганидек, Сиз ҳам бироз сабрли бўлинг. Шогирдингизнинг ҳақиқий илм соҳиби бўлганлигини маълум вақтдан сўнг биласиз, яъни жамият ўриб оладиган ҳосил камида 5-6 йилдан кейин кўрина бошлайди; "яхши ҳосил" — устозга абадий шуҳрат келтиради.



УСТОЗЛИК БУРЧИНИ АНГЛАНГ

Устозликнинг энг буюк бурчи — халққа нафи тегадиган, ақл-идроклы, қобилиятли, ўқувли шогирдлар тайёрлашдир;

—устоз яхши шогирд тайёрлаши учун, энг аввало, унинг ўзи маънавий жиҳатдан баркамол, фикрлаш тарзи ноёб, дунёқараши соғлом, ўз юрти ва халқининг ғояси ва илғор мафкурасининг байроқдори бўлиши керак;

—шогирд Сизнинг юзингиз, обрўйингиз ва ишларингизнинг давомчиси эканлигини унутманг, унинг ютуқларида ўзингизни масъул эканлигингизни доимо эсда сақланг;

—билган нарсаларингизни ёзма равишда қайд қилиб юришдан чарчаманг, зеро, эшитилган нарса — унутилади, гапирилгани — тарқалади, ёзилган нарса — қайд этилиб, бир умрга муҳрланиб қолади;

—ёзган янги фикр — ўйларингиз билан ўртоқлашишдан чўчиманг, чунки янги фикрга билдирилган қарама-қарши фикр ҳам унинг ривожига туртки бўлади.

УСТОЗ — ШОГИРД МУНОСАБАТЛАРИ

Агар Сиз доимо ўз мактабингиз, илмий мактабингиз ривожи ҳақида ўйласангиз, демак, Сизнинг иқтидорли шогирдларингиз бор;

—шогирд сизга ўз фарзандингиздай азиз бўлсин, зеро, у Сизга фарзандингиз бера олмайдиган шон-шуҳратни, ризқу давлатни келтириши мумкин.

УСТОЗНИНГ ОТА-ОНАЛИК ЎРНАГИ

Сиз шогирдингизга ота-оналикда ҳам ўрнак бўла олинг, токи улар ҳам Сиздай ибратли ота ёки она бўлишсин;

—ўз фарзандингизга ҳам устозлик қилинг, гарчи у Сиз танлаган касб эгаси бўлмаса ҳам, адолатни, диёнатни, инсонийликни, Ватанга ва юртга меҳр-муҳаббатни, Сиздан, энг аввало, Сиздан ўргансин.

СИЗ ВА ҲАМКАСБЛАРИНГИЗ

Ўз ҳамкасбларингизга нисбатан доимо маданиятли, сабрли ва олийжаноб бўлинг, чунки улар Сизнинг ҳаётдаги энг яқин маслакдошингиз;

—хорижликлар билан мулоқотда бўлиб туринг, чунки илғор тажриба доимо ва ҳар қандай шароитда самаралидир ва бундай ҳамкорлик Сиздаги дунёқарашни кенгайтириб, эътиқодни мустаҳкамлайди.

«Моҳият»га обуна бўлинг

Бу йил республика даврий нашрлари яна бир газета — "Моҳият" газетаси билан бойиди. Ноябрь ойидан ушбу газета 8 саҳифада нашр этила бошлайди. Бинобарин, унда Сиз долзарб сиёсий ва иқтисодий янгиликлардан ташқари кўнгилочар мавзулардаги мақолаларни ҳам ўқишингиз мумкин. Қизиқарли кроссвордлар, мунажжимлар башорати, шунингдек, Ўзбекистон ва Россия теледастурлари ҳам ҳукмингизга ҳавола этилади.

Obuna — 2001

Бугунги муштарий учун жиддий сиёсат ва иқтисоддан ташқари маиший мавзулар ҳам қизиқарли. "Моҳият"нинг қайта шакланган сонларидан бошлаб ана шу мавзулар ҳам мунтазам ёритиб борилиши режалаштирилган.

"Моҳият" газетасини ўқишни ният қилганларга газетага обуна бўлишни ва "Матбуот тарқатувчи" киоскалардан сотиб олишни маслаҳат берамиз.

Газета нашр индекси — 261.

ДИЛ ЧИРОҒИ

Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатлари маърифатпарварлик адабиёти тарихини ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидандир. Шу нуқтаи назардан Раҳмон Иномхўжаевнинг "Афғонистон маърифатпарварлик адабиёти очерклари" китобининг нашр этилиши диққатга сазовор.

Китобда Афғонистон маърифатпарварлик адабиётининг шакланишида етакчи мавқени эгаллаган олти нафар сиймонинг ижодий портрети берилган. Шуниси диққатга сазоворки, Афғонистон маърифатпарварлик адабиёти ўзининг кўп жиҳатлари билан ўзбек маърифатпарварлигига ўхшаб кетади. Афғон маърифатпарварлиги ҳаракатининг мафкуравий йўлбошчиси Маҳмуд Тарзий Маҳмудхўжа Беҳбудий каби, ўз фаолиятида маърифатпарварлик ва матбуот ишига алоҳида аҳамият берган. Бадиий ижодида эса халқини асрий уйқудан уйғотиш, фикрий бедорликка даъват этишни мақсад қилиб қўйган. Шоир 1911 йили эълон қилган "Ўтдикетди" номли шеърида халқига замон ўзгаргани борасида хабар берар экан, ўтмиш ва янги замон орасига чизиқ тортгандек бўлди. Бу ғоя кейинчалик афғон адиблари томонидан ривожлантирилди. Бу адибларнинг ижодий йўли ҳам янги замонга хос жўшқинлиги ва фидокорлиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан Мустағийнинг қуйидаги сатрлари рамзий маъно касб этади.

Кунун мактаб ҳарос фарз асту вожеб
Тавон кард аз ин илм эълон мактаб.

Мазмуни:

Энди мактаб фарз ва вожибдир биз учун,
Мактабни илм ўчоғи деб эълон қилмоқ керак.

Маҳмуд Тарзий эса маърифатни руҳ озиғи деб таърифлаган эди. Илмга даъват, жаҳолат ва ғафлатдан чекиниш мотивлари ҳам бу адиблар ижодида етакчи ўринни ишғол этади.

Афғонистон маърифатпарварлик адабиётининг ўзига хос жиҳатларидан бири ватанпарварлик ва чет эл босқинчиларига қарши кураш мавзусининг кенг акс эттанлигидадир. Мамлакатнинг Буюк Британияга қарам ҳолати, бу қарамликнинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари афғон маърифатпарварлари қалбини ўртаган. Шунинг учун ҳам ватанпарварлик мавзуси улар ижодида теран акс этган.

Мазкур китобда бир пайтнинг ўзида ҳам дарий, ҳам пушту тилидаги адабиёт таҳлил этилгани эътиборга молик. Афғонистонда XX аср бошидаги шоирларнинг кўпчилиги зуллисонайн бўлгани айни шундай иш тутишни тақозо этган. Бунинг самараси ўлароқ, ўқувчи афғон маърифатпарварлик адабиёти борасида тўлиқроқ маълумотга эга бўлади.

Айни пайтда Шарқ мамлакатлари адабиётидаги маърифатпарварлик масаласига бағишланган мазкур салмоқли тадқиқот ва қўлланмада маърифатпарварлик адабиёти бой материал асосида холисона таҳлил қилинган, тегишли хулосалар чиқарилган. Ўйлаймизки, мазкур тадқиқот методик жиҳатдан бу мавзуда олиб борилади-ган кейинги изланишлар учун ҳам фойдали бўлади.

Ж.ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими

МИЛЛАТ ҒУРУРИ

чет тилини ўрганиш керак. Лекин ўзбек тили-чи, унинг жамиятдаги мавқеи ҳали ҳамон ўша-ўшалигича қолмаяптими? Биз фалон пул тўлаб инглиз тилини ўрганиб, ўзбек тилини билишни хаёл ҳам қилмаётган бошқа забон вакилларидан гина қилгунча, ўзимиздан айб қидирсак яхши бўларди, ҳужжат, расмий қоғозларни рус тилида тузсак. Агар кимдир ўзининг тилида сўзламай, ўзганинг тилида сўзласа — бу, албатта, унинг иши. Ҳеч ким унга эътироз билдиришга ҳаққи йўқ. Агар у ўз она тилини умуман билмаса ёки уни назарга илмаса, унда сўзлашишни ор қилса, ўзига эп кўрмаса — бу энди унинг фожеаси. Бундайлар "шарофати" билан тилимиз камбағаллашиб қолмайди. Лекин ҳеч ким (у ким бўлишидан қатъий назар), тил ҳақида ёмон гап айтишга ҳаққи йўқ. Мен бир ўзбек аёлини биламан. У ўта замонавий, аёллар муаммоси бўйича нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг бирида ишлайди. Мен унинг, «мне противно говорить на узбекском языке», деганини эшитганман. Аслини олганда, унга ўзбек тилида гапириш "противно" эмас, балки ўзбек тилини билмагани учун ўзбеклар орасида сиқилиши, улар билан тенг мулоқотга кириша олмаслиги, ўзининг улардан ажралиб қолганини ҳис қилиши, унинг учун ноқулайдир — лекин бунга ким айбдор — унинг ўзи эмасми? Энди ўзингиз хулоса қилинг, тилимизнинг ҳақиқий ҳаётда, жамиятдаги ўрни ҳалигача тўла тикланмаганлигига ўзимиз айбдор эмасмизми? Агар сиз Давлат тилини билмасангиз, уни писанд қилмасангиз — бу ёмон. Чунки сиз давлатнинг бир бутунлигига салбий таъсир қилган бўласиз. Лекин сиз неча-неча асрлар давомида ота-боболарингиз сўзлаб, сизнинг қон-қонингизгача сингиб кетган тилни қадрламасангиз, бу сизнинг фожеангиз, ўзингиздан ўзингиз воз кечишингиз эмасми?!

Шаҳноза ҲАЙДАРОВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

БОҒЧАГА ТАШРИФ

"Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган Халқаро хайрия жамғармасининг мажлислар залида Ўзбекистон болалари учун Япония элчихонасидан олинган совғаларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Японининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси Кёко Накаяма хоним иштирок этди.

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 327-болалар боғчасида ана шу совғалар (ўйинчоқлар, болалар кийим-кечаклари ва ёзув-чизув қуроллари)ни топшириш-га бағишланган йиғилиш бўлди. Мазкур тадбир Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари ўтказилаётган даврда амалга оширилди.

Бизнес, фан ва маданият арбобларидан иборат япониялик меҳмонлар боғчага ташриф буюрди. Жажжи қизалоқлар жозибали қўшиқлари ва шўх рақслари билан меҳмонларни кутиб олдилар.

Жанубий Япония Миядзяма прифектураси вакили Мазими Нака Муча сўзга чиқиб, Ўзбекистонга ташриф буюрганидан ниҳоятда хурсандлигини билдириб, Ўзбекистон болалари келажакда муносиб ворислар бўлиб вояга етишларига ишонч билдирди.

Тадбирда ХТВ, ТШХТББ ва Шайхонтоҳур туман ХТБ вакиллари иштирок этдилар.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Беруний номидаги Тошкент политехника институти томонидан Мирзаакбаров Маҳмуджон Мирзажонович номига 1987 йилда берилган № 780-НН рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Маърифат" газетаси ҳамда "Таълим тараққиёти" журнали жамоалари Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Зиёвуддин Жалолиддиновга падари бузруквор **МУФТОҲИДДИН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остидаги спорт мусобақалари бўлиб ўтади.

Мақсадга эришиш қачонки ушбу мақсад сари интилаётганларнинг барчаси бирдек уни тушуниб етишига ҳамда бу йўлда ҳаммани сафарбар эта билишга боғлиқ. Мамлакатимизда олиб борилаётган бу йилги асосий тадбирлар соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган бир паллада бу жараёнда имкон қадар ва ҳамманинг иштирокини таъминлаш кутилган натижани беради. Аввал хабар қилганимиздек, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бир қанча нуфузли идоралар, ташкилотлар саъй-ҳаракати билан мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган "Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақалари, умид қиламизки, бу борада ибрат бўла олади.

Биз бугун газетамизда "Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақаларини кўнгилдагидек ташкил этишда асқотадиган ҳужжатлар мажмуини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Мазкур ҳужжатлар таълим бошқаруви органларида, ҳар бир умумий ўрта таълим муассасалари жамоаларида, ўқувчилар орасида ишлаб чиқилиши, уларнинг мазмун-моҳияти иштирокчиларга етказилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг "Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақалари

НИЗОМИ

1. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг "Олимпиада умидлари — 2001" республика спорт мусобақаларини ўтказишдан мақсад:

— ўқувчилар сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси сифатида жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш;

— мактаб ўқувчилари ўртасида спорт — соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортнинг оммавий ва миллий турларини янада ривожлантириш.

2. "Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақаларини ўтказиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг "Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақалари тўрт босқичда ўтказилади:

1 босқич — умумий ўрта таълим мактабларида (синфлараро) 2000 йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказилади.

Мусобақалар ҳар бир мактабда оммавий тарзда, адолатли. Низом талабларидан келиб чиқиб ўтказилишини таъминлаш, ғолиб ўқувчиларни аниқлаш ва юқори натижаларни қўлга киритган, оммавийликни оширишга эришган умумтаълим мактабларини рағбатлантириш ва мазкур мусобақаларнинг ўз муддатида ўтказилишига қуйидаги ташкилотлар жавобгардирлар:

— мактаб маъмурияти;
— туман халқ таълими бўлими;
— туман спорт қўмитаси;
— Фидокорлар миллий демократик партияси туман бўлими;
— "Камолот" жамғармаси туман бўлими;
— "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими;
— товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси туман бўлими;
— "Пахта" банки туман бўлими;
— "Ўзбектуризм" миллий компанияси туман бўлими;
— "Матбуот тарқатувчи" акционерлик компанияси туман бўлими;
— "Наврўз" халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими;
— "Тасвирий ойина" уюшмаси туман бўлими.

II босқич — туман(шаҳар) мусобақалари 2001 йил февраль ойида бўлиб ўтади.

Мазкур босқич мусобақаларини туман, шаҳар миқёсида намунали ва оммавий ўтказиш. Ўқувчиларнинг бадиий чиқишлари, концерт дастурларини тайёрлаш, ётоқхона, иссиқ овқатлар билан таъминлаш, ғолибларни алоҳида махсус, қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантириш учун қуйидаги ташкилотлар жавобгардирлар;

— туман ҳокимлиги;
— туман халқ таълими бўлими;
— туман спорт қўмитаси;
— Фидокорлар миллий демократик партияси туман бўлими;
— "Камолот" жамғармаси туман бўлими;
— "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими;
— товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси туман бўлими;
— "Пахта" банки туман бўлими;
— "Ўзбектуризм" миллий компанияси туман бўлими;
— "Матбуот тарқатувчи" акционерлик компанияси туман бўлими;
— "Наврўз" халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими;
— "Тасвирий ойина" уюшмаси туман бўлими.

III босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида 2001 йилнинг март ойида бўлиб ўтади.

Ушбу босқич мусобақаларини вилоят миқёсида, қизиқарли, оммавий, байрамона тусда, намунали қилиб ўтказиш, ўқувчиларнинг спортни олқишловчи бадиий чиқишларини ташкил этиш, қатнашчиларни қулай ётоқхоналар, иссиқ овқатлар, билан таъминлаш, ҳозирги давр талабига жавоб берадиган спорт иншоотларини уларнинг ихтиёрига бериш, эгаллаган ўринларига қараб махсус, қимматбаҳо совринлар билан тақдирлаш. III босқич мусобақаларини адолатли ўтказиш учун қуйидаги ташкилотлар масъулдир:

— вилоят ҳокимлиги;
— вилоят халқ таълими бошқармаси;
— вилоят спорт қўмитаси;
— Фидокорлар миллий демократик партияси вилоят бўлими;
— "Камолот" жамғармаси вилоят бўлими;
— "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими;
— товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вилоят бўлими;
— "Пахта" банки вилоят бўлими;
— "Ёшлар" телеканали вилоят мухбирлари;
— "Ўзбектуризм" миллий компанияси вилоят бўлими;
— "Матбуот тарқатувчи" акционерлик компанияси вилоят бўлими;
— "Тасвирий ойина" уюшмаси вилоят бўлимлари;
— "Наврўз" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими.

IV босқич — Тошкент шаҳрида 2001 йилнинг май ойида бўлиб ўтади.

Мазкур якуний босқичда III босқич мусобақаларининг ғолиблари иштирок этадилар.

Республика якуний босқич мусобақалари Тошкент шаҳридаги марказий "Пахтакор" футбол ўйингоҳида байрамона тусда ўтказилади.

Ушбу босқичда иштирок этиш учун Низомда кўрсатилган талабнома асосида "Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақаларининг ташкилий қўмитасига мурожаат қилинади. Шунингдек, талабнома билан биргаликда, жамоаларнинг мусобақанинг I, II, III босқичларида қатнашганларини тасдиқловчи ҳисоботлари ҳамда ўйинларни ёзиб олинган видео кассеталари ва бошқа ҳужжатлари қўшиб топширилади.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг "Олимпиада умидлари — 2001" республика спорт мусобақаларида қатнашиш учун иштирок этувчи ҳар бир жамоа Низом асосида тайёргарлик кўриб келишлари шарт. Мазкур IV босқич мусобақаларини оммавий, юқори савияда ва қизиқарли қилиб ўтказиш учун қуйидаги ташкилотлар масъулдирлар;

— Халқ таълими вазирлиги;
— Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси;
— Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси;
— Фидокорлар миллий демократик партияси;
— "Ёшлар" телеканали;
— "Камолот" жамғармаси;
— "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси;
— Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси;
— Ўзбекистон "Пахта" банки;
— "Ўзбектуризм" миллий компанияси;
— "Матбуот тарқатувчи" акционерлик компанияси;
— "Тасвирий ойина" уюшмаси;
— "Тарона рекордс" компанияси;
— "Наврўз" халқаро хайрия жамғармаси

3. "Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақаларини ўтказишга раҳбарлик

"Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақаларига тайёргарлик ва уни ўтказишга умумий раҳбарлик Халқ таълими вазирлиги, Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Фидокорлар миллий демократик партияси, "Камолот" жамғармаси, "Ёшлар" телеканали, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Пахта" банки, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Матбуот тарқатувчи" акционерлик компанияси, "Тасвирий ойина" уюшмаси, "Тарона рекордс" компанияси, "Наврўз" халқаро хайрия жамғармаси вакиллари тасдиқлаган ташкилий қўмита ва ҳакамлар бош ҳайъати томонидан амалга оширилади.

Спорт турлари бўйича мусобақалар тегишли спорт федерациялари тасдиқлаган амалдаги қоида ва низомларга мувофиқ ўтказилади.

4.Ўтказиладиган мусобақалар бўйича спорт турлари

1. Баскетбол (ўғил болалар, қиз болалар);
2. Волейбол (ўғил болалар, қиз болалар);
3. Қўл тўпи (ўғил болалар, қиз болалар);
4.Шахмат (ўғил болалар, қиз болалар);
5.Стол тенниси (ўғил болалар, қиз болалар);
6.Футбол (ўғил болалар);
7. Енгил атлетика (ўғил болалар, қиз болалар)

Изоҳ: барча спорт турлари бўйича синфлараро, яъни мактаб босқичида мусобақалар қуйидаги тартибда ўтказилади:

— 5—6-синфлар ўртасида;
— 7—8—9-синфлар ўртасида;
— 10—11-синфлар ўртасида

Мусобақаларнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи босқичларида мактабнинг 5 — 11 синфлар ўқувчиларидан еттита спорт тури бўйича тузилган терма жамоаси қатнашади.

5. Мусобақа ғолиблари ва совриндорларини аниқлаш ва мукофотлаш

Мактаб миқёсидаги мусобақалар ғолиблари ҳар бир спорт тури бўйича синфлар ўртасида аниқланади.

Туман мусобақаларидан бошлаб эса ҳар бир спорт тури бўйича мактаб терма командаси иштирок этади. Туман мусобақаларида ғолиб чиққан мактаб терма командаси вилоят миқёсига чиқади. Вилоят мусобақаларида ғолиб чиққан мактаб терма командаси республика финал мусобақаларига йўлланма олади. Бошқа мактаблар ўқувчилари ҳисобига туман, вилоят терма командаларини тузиш қатъиян ман этилади. Шундай ҳолатлар аниқланган тарзда мусобақалардан четлаштириш жазоси қўлланилади, мактаб директори, туман, шаҳар, вилоят халқ таълими раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

Спорт тури бўйича биринчи ўринни эгаллаган мактаблар кубок ҳамда I даражали дипломлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Тегишли турларда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган мактаблар II ва III даражали дипломлар ва махсус совғалар билан мукофотланадилар.

Спорт мусобақаларининг ғолибларини тайёрлаган мактаб педагогик жамоалари Фахрий ёрлиқ ва махсус совғалар билан мукофотланадилар.

6. Қатнашчиларни қабул қилиш шартлари

Спорт мусобақаларининг дастлабки уч босқичини ўтказиш, жамоаларни спорт мусобақаларида қатнашишга тайёрлаш, уларни спорт мусобақаларининг финал қисмига сафарга юбориш харажатлари тегишли ташкилотлар (маҳаллий халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари) томонидан тўланади.

Спорт мусобақаларининг финал қисмини (IV босқич) ўтказиш сарф-харажатлари Халқ таълими вазирлиги, Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Фидокорлар миллий демократик партияси, "Камолот" жамғармаси, республика "Ёшлар" телеканали, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, "Пахта" банки, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Матбуот тарқатувчи" акционерлик компанияси, "Тасвирий ойина" уюшмаси, "Тарона рекордс" компанияси, "Наврўз" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда ташкилий қўмита маблағи ҳисобидан сарфланади (йўл харажатлари бундан истисно).

7. Талабнома бериш тартиби ва муддатлари

Республика мусобақаларида қатнашиш учун спорт турлари кўрсатилган талабномалар ташкилий қўмитага 2001 йилнинг 10 апрелидан кечикмасдан тақдим этилмоғи зарур. Ушбу талабнома ўз вақтида тақдим этилмаса, жамоалар финал мусобақаларда иштирок этишга қўйилмайди.

Номлари кўрсатилган техник талабномалар финал мусобақалари ўтказиладиган жойда спорт турлари бўйича мандат комиссияси ва ҳакамлар бош ҳайъатига тақдим этилади.

Талабномалар маҳаллий халқ таълими бошқармалари, бўлимлари ва ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган бўлмоғи лозим.

Айни пайтда, мандат комиссиясига дастлабки босқичдаги мусобақалар ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисобот ҳам тақдим этилади.

Мусобақа қатнашчиси паспорт (ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома), уқиш жойидан маълумотнома, классификация билети билан келиши лозим.

Мусобақа қатнашчиси тегишли спорт кийимида бўлиши зарур.

Жамоанинг раҳбар вакиллари йўлда, мусобақа ўтказиладиган жойларда, истиқомат қиладиган ерларда ўқувчиларнинг хавфсизлиги учун жавобгардирлар.

Ўқувчилар ва жамоа вакилларининг финал мусобақаларига ижозат бериш, ҳакамлик низомининг қайсидир моддасига риоя этилмаганлиги юзасидан эътирозлари спорт тури бўйича мусобақалар тугашидан камида бир кун илгари (мусобақалар ўтказиладиган жойларда) берилади. Кечикиб берилган эътирозлар кўриб чиқилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ–2001» МУСОБАҚАЛАРИ СПОРТ ТУРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ДАСТУРИ ВА ШАРТЛАРИ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Команда таркиби: жами — 23 киши.

Шу жумладан, спортчилар — 20 киши.

Тренер вакил — 2 киши Ҳакам — 1 киши.

Қатнашчилар ёши: 1984 йилда туғилган ва ёшроқлар.

Мусобақаларни ўтказиш дастури ва шарт-шароитлар

Ўсмирлар: 100 м., 200 м., 400 м., 3000 м.га югуриш, узунликка, баландликка сакраш, 4х100 эстафета.

Қизлар: 100 м., 200 м., 400 м., 1500 м.га югуриш, узунликка, баландликка сакраш, 4х100 м.га эстафета.

Команда биринчилиги очколар жадвали бўйича қатнашчилар олган энг кам очколар йиғиндисига кўра белгиланади. Ҳар бир спортчи биттадан ортиқ бўлмаган турда ва эстафетада қатнашиш ҳуқуқига эга.

Дастурнинг ҳар бир турига 2 нафардан спортчи қатнашади. 1-ўрин — 1 очко, 2-ўрин — 2 очко, 3-ўрин — 3 очко ва ва ҳоказо. 14-ўрин — 14 очко.

БАСКЕТБОЛ (ўсмирлар, қизлар)

Команда таркиби: жами — 24 киши.

Шу жумладан, спортчилар: 10 ўсмир, 10 қиз.



Тренер-вакил — 2 киши

Ҳакам — 2 киши

Қатнашчилар ёши — 1984 йилда туғилган ва ёшроқлар.

МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

Командалар олган ўринлар тўпланган энг кўп очколар сонига қараб белгиланади. Команда ғалаба учун 2 очко, дуранг учун 1 очко, мағлубият учун 0 очко олади.

Икки ёки ундан ортиқроқ командада очколар тенг бўлиб қолса, ғолиб мазкур командалар ўртасидаги ўйинларга, улар ўртасидаги барча учрашувларда киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбатига қараб белгиланади.

Ўйинлар давра тизимида бир даврада ўтказилади. 1984 йилда туғилган ўқувчиларга мусобақаларга паспортсиз қатнашишга рухсат берилмайди.

ВОЛЕЙБОЛ

Команда таркиби: жами — 28 киши.

Жумладан, спортчилар: 12 ўсмир, 12 қиз.

Тренер-вакил — 2 киши.

Ҳакам — 2 киши.

Қатнашчилар ёши: 1984 йилда туғилган ва ёшроқлар.

МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

Мусобақалар давра тизимида беш партиядан иборат бир даврада ўтказилади.

Командага ғалаба учун 1 очко, мағлубият учун 0 очко берилади.

Ўйинга келмаган командага мағлубият ёзилади ва охирги ўрин берилади. Командалар мусобақага ягона спорт формасида қатнашадилар.

Икки ёки ундан ортиқроқ командаларда очколар тенг бўлиб қолса, улар ўртасида кўпроқ учрашувларда ғолиб чиққан командага имтиёз берилади. Ушбу кўрсаткич тенг бўлиб қолган тақдирда улар ўртасида ғалаба қозонилган ва ютқазилган тафовут — барча учрашувлардаги ютилган ва ютқазилган партиялар энг яхши нисбати ҳисобга олинади.



ШАХМАТ

Команда таркиби: жами — 8 киши.

Жумладан, спортчилар: 3 ўсмир, 3 қиз.

Тренер-вакил — 1 киши

Ҳакам — 1 киши.

Қатнашчилар ёши: 1984 йилда туғилган ва ёшроқлар.

МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

Мусобақалар дастлабки ва финал мусобақалар тарзида ўтказилади. Дастлабки мусобақаларда командалар умумий қуръа ташлаш йўли билан 3-4 тадан команда гуруҳларига бўлинади. Мусобақалар давра тизимида бир даврада ўтказилади.

Финал мусобақаларида дастлабки гуруҳларда I-II ўринларни эгаллаган командалар «А» гуруҳини ташкил этади ва 1—4-ўринлар учун кураш олиб боради.

Ўз гуруҳларида 3—4-ўринларни эгаллаган командалар 5—8-ўринлар учун, ўз гуруҳларида 5—6-ўринларни эгаллаган командалар 9—12-ўринлар учун, ўз гуруҳларида охирги ўринларни эгаллаган командалар 13—14-ўринлар учун кураш олиб боришади.



ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ

Командаларнинг дастлабки ва финал гуруҳларида ўринлари қатнашчиларнинг барча учрашувларда тўплаган энг кўп очколар сонига қараб белгиланади.

Икки ёки ундан кўпроқ командалар очколари тенг бўлиб қолса, шахсий учрашувларда ютилган матчлар сони кўплигига: Бергер коэффициентлар тизими энг яхши кўрсаткичига қараб белгиланади.

Ўйин кечиктирилмасдан ўтказилади. Вақт назорати 40 та юришга 2 соат ва ҳар бир қатнашчига учрашув охиригача 30 дақиқа берилади.

Мусобақалар Ўзбекистон Республикаси шахмат федерацияси тасдиқлаган қоидаларга кўра ўтказилади. Дастлабки учрашувлар натижалари финал ўйинларида ҳисобга олинади. Командалар мусобақага келмай қолган тақдирда ўйин тизими ўзгартирилиши мумкин.

СТОЛ ТЕННИСИ

Командалар таркиби: жами — 8 киши.

Жумладан, спортчилар — 3 ўсмир, 3 қиз.

Тренер-вакил — 1 киши.

Ҳакам — 1 киши.

Қатнашчилар ёши: 1984 йилда туғилган ва ёшроқлар.

МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

Мусобақалар шахсий команда тарзида ўтказилади. Команда ўйинлари 9 та якка учрашувлардан иборат бўлади. Команда учрашуви командалардан бири 5 та ўйинда ютуққа эришгач, учрашув ниҳоясига етади.

Мусобақалар аралаш тизим бўйича ўсмирлар ва қизлар учун алоҳида ўтказилади.

Мусобақаларнинг биринчи босқичида командалар 4 кичик гуруҳга бўлинади. Кичик гуруҳларда 1—2-ўринларни эгаллаган командалар биринчи финал гуруҳини ташкил этишади. Бу гуруҳда 1—8-ўринлар учун кураш олиб борилади. 3—4-ўринларни эгаллаганлар иккинчи финал гуруҳида ўйнайдилар. Улар 9—16-ўринлар учун кураш олиб боришади. Команда мусобақалари барча босқичларда давра тизимида ўтказилади. Командаларнинг биринчи босқичда қўлга киритган натижалари финал гуруҳларида ҳисобга олинади.

Шахсий мусобақалар якка, жуфт ва аралаш разрядларда ўтказилади. Якка мусобақалар аралаш тизим бўйича ўтказилади:

— биринчи босқичда қатнашчилар 6 спортчидан 8 гуруҳга бўлинишади. Гуруҳларда ўйинлар давра тизимида ўтказилади.

Ҳар бир гуруҳдаги дастлабки ўйинларда 1—2-ўринларни эгаллаган спортчилар 1-финал гуруҳини ташкил этишади ва 1—16-ўринлар учун кураш олиб боришади.

Гуруҳларда 3—4-ўринларни эгаллаганлар 17—32-ўринлар учун, 5—6-ўринларни эгаллаганлар 33—48-ўринлар учун кураш олиб боришади.

Мусобақаларнинг иккинчи босқичида спортчилар Олимпиада тизими бўйича «икки дақиқали» ўйин ўтказиб, қатнашчилар эгаллаган барча ўринларни аниқлаб берадилар.

Жуфт мусобақалар — жуфтлар сони ҳакамлар ҳайъати томонидан белгиланади. Барча жуфт мусобақалар Олимпиада тизимига кўра ўтказилиб, 3-ўрин учун кураш билан якунланади. Барча учрашувлар «Тай-Брек» тизими бўйича ўтказилади ҳамда уч қисмдан иборат бўлади.

ФУТБОЛ

Команда таркиби: жами — 18 киши.

Жумладан спортчилар — 16 киши.

Тренер-вакил — 1 киши.

Ҳакам — 1 киши.

Қатнашчилар ёши: 1984 йилда туғилган ва ёшроқлар.

МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

Командалар эгаллаган ўрин энг кўп очколар сонига кўра белгиланади. Команда ютуқ учун 3 очко олади, дуранг учун 1 очко, мағлубият учун — 0 очко олади. Иккита командада очколар тенг бўлиб қолса, улар ўртасидаги учрашув натижаларига, урилган ва ўтказиб юборилган тўплар энг кўп урилган тўплар сонига кўра ўрин белгиланади.



Уч ёки ундан ортиқроқ командада очколар тенг бўлиб қолган тақдирда ғолиб қуйидагиларга кўра белгиланади:

— улар ўртасидаги учрашув натижаларига кўра;

— энг кўп ғалаба қозонилганига кўра;

— урилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбатига кўра;

— энг кўп тўп киритилганига кўра.

Барча кўрсаткичлар тенг бўлиб қолган тақдирда ўрин қуръа ташлаш йўли билан белгиланади.

ҚЎЛ ТЎПИ



Команда таркиби: жами — 28 киши.

Жумладан, спортчилар — 12 ўсмир, 12 қиз.

Тренер-вакил — 2 киши.

Ҳакам — 2 киши.

Қатнашчилар ёши: 1984 йилда туғилган ва ёшроқлар.

МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

Ўйинлар давра усулида бир даврада ўтказилади.

Команда ғалаба учун 2 очко, дуранг учун 1 очко, мағлубият учун О очко олади.

Иккита командада очколар тенг бўлиб қолган тақдирда ўринлар улар ўртасидаги ўйин натижаларига, урилган ва ўтказиб юборилган тўпларнинг энг яхши нисбатига кўра белгиланади. Уч ёки ундан кўпроқ командаларда очколар тенг бўлиб қолса, ғолиб улар ўртасидаги ғалабалар сонига, учрашувларда урилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбатига, барча учрашувлардаги урилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбатига кўра белгиланади.



Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳririят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Ҳусан НИШОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-1017. Тиражи 18.608.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 19.30.